



"Биз 100 000 тамиз" ютуқли ойинини <https://t.me/Apaymanuz> телеграм мессенджериде ўтказиш қоидалари.

**«БИЗ 100 000 ТАМИЗ» ЮТУҚЛИ ЎЙИНИНИ**  
<https://t.me/Apaymanuz>  
**Telegram МЕССЕНЖЕРИДА**  
**ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ**

2024 йил 01 март.

1. Ушбу Қоидалар Telegram мессенжериде <https://t.me/Apaymanuz> манзилда «**Биз 100 000 тамиз**» ютуқли ўйинини ўтказиш шартларини, унинг Иштирокчиларини аниқлаш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек ушбу Қоидаларда кўрсатилган бошқа шартларни белгилайди.
2. Ютуқли ўйиннинг номи: «**Биз 100 000 тамиз**» (кейинги ўринларда Ютуқли ўйин деб юритилади). Ютуқли ўйин «А-Рау» Telegram-канали абонентлари орасида обуначилар сонини кўпайтириш, қизиқишни яратиш ва сақлаш, хабардорликни ошириш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг «А-Рау» Электрон пул Тизимиға содиқлигини ошириш мақсадида ўтказилади.
3. Ютуқли ўйин Ташкилотчиси «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» МЧЖ - «А-Рау» Электрон пул Тизими Оператори ҳисобланади, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 09.01.2021 йилдаги 21-сонли лицензияси асосида Тўлов Ташкилотлари реестрида рўйхатдан ўтган Тўлов Ташкилоти мақомиға эға
4. Ютуқли ўйин ўтказиладиган ҳудуд – бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди.
5. Ютуқли ўйин лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин саналмайди, Иштирокчилардан иштирок этиш учун ҳақ тўлашни талаб қилмайди.
6. Ютуқли ўйинда иштирок этиш мажбурий эмас.
7. Ютуқли ўйин ва ғолибларни аниқлаш муддати: бошланиши – 2024 йил 04 март соат 10.00 дан (Тошкент вақти билан), охири – 2024 йил 11 март соат 16.00 да (Тошкент вақти билан). Ўйин ғолиблари 2024 йил 11 март куни Тошкент вақти билан соат 16:00 да аниқланади. Ютуқли ўйин ғолибларини аниқлаш куни Ташкилотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган дам олиш ва байрам кунларини ҳисобға олган ҳолда, шунингдек Ташкилотчидан мустақил бўлган ҳолатлар юзаға келган тақдирда ўзгартирилиши мумкин.



8. Ютуқли ўйинди 18 ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга, Ўзбекистон худудида яшовчи, Telegram мессенжериди шахсий аккаунтига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг муомаласага лаёқатли жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин. Ўйин Иштирокчиси ўйинди иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқларини учинчи шахсга ўтказиш ва/ёки бирон-бир тарзда топшириш ҳуқуқига эга эмас.

9. Ташкилотчи Ютуқли ўйинни ташкил этишди холислик, ҳаққонийлик, ҳалоллик ва очик фикрни таъминлайди.

10. Иштирокчиларни Ютуқли ўйин Қоидалари ҳақиди хабардор қилиш Ташкилотчининг :  
<https://www.a-pay.uz> манзилидаги веб-сайтиди ва (ёки) <https://t.me/Apaymanuz> манзилидаги **Telegram-каналди** тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали, шунингдек Ташкилотчи хошишига кўра, бошқа усуллар билан амалга оширилади. Ютуқли ўйин Ғолиблари тўғрисидаги маълумотлар <https://www.a-pay.uz> сайтиди ва Telegram-каналди эълон қилинади.

11. **Фойдаланувчи <https://t.me/Apaymanuz> Telegram-каналди** Иштирокчи мақомини олиш шартлари

11.1. Ютуқли ўйин давомида <https://t.me/Apaymanuz> Telegram-каналига обуна бўлган бўлиш;

11.2. Ютуқли ўйин пости остидаги «Участвовать» тугмасини босиш;

**11.3. Ютуқли ўйин давомида Telegram мессенжериди аккаунт кириш учун очик бўлиши керак.**

12. Агар ушбу Қоидаларнинг 11-бандиди назарди тугилган ҳаракатлардан бири бажарилмаган бўлса, унда потенциал Иштирокчи Ютуқли ўйин шартларини бажармаган деб ҳисобланади ва шунга мос равишди Ютуқли ўйин Иштирокчиси мақомини олмайди.

13. Ушбу Қоидаларнинг 11-бандиди кўрсатилган барча шартларни бажарган шахс Ютуқли ўйин Иштирокчиси мақомини олади.

14. Ютуқли ўйинди қатнашишга ва/ёки совринни олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар:

14.1. Ушбу Қоидаларнинг 8 ва 11-бандлари талабларига жавоб бермайдиган фойдаланувчилар.

14.2. Ютуқли ўйин давомида А-Рау Электрон пул Тизими Оператори билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари.

15. **Ютуқли ўйин Ғолибларини аниқлаш:**

Ютуқли ўйин Иштирокчилари орасиди 10 (ўн) нафар ғолиб танлаб олинади. **Ғолиблар 2024 йил 11 март кунди Тошкент вақти билан соат 16:00 да <https://t.me/Random1zeBot> рандомайзери ёрдамида автоматик равишди аниқланади. Ютуқли ўйин натижаларини эълон қилиш алоҳиди пост чиқарган ҳолди амалга оширилади. Ютуқли ўйин Иштирокчилари Ташкилотчилар томонидан эълон қилинган хабарларни мустақил**



равишда кузатиб борадилар, шунингдек, жамоаларда, ижтимоий тармоқлардаги шахсий аккаунтларда, Операторнинг веб-сайтида, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, ютукли ўйин олиб борилиши, унинг натижалари, киритиладиган ўзгаришлар, совринларни олиш ва улардан фойдаланиш шартлари тўғрисида билиб борадилар. Ташкилотчи томонидан жойлаштирилган эълон/жўнатилган хабар билан танишиб чиқмаслик хавфи Иштирокчи томонида ётади.

**16. Ютукли ўйиннинг соврин жамғармаси** Ташкилотчининг маблағлари ҳисобидан шакллантирилади. Ютукли ўйин совринларининг умумий сони чекланган. Совринлар сони 10 дона.

Ютукли ўйиннинг ҳар бир ғолиби А-Пау'дан Рўмол олади. Ютукли ўйин совринларининг ташқи кўриниши, уларнинг ҳажми, шакли, ранги ва бошқа хусусиятлари реклама материалларида тақдим этилган расмлар ва Иштирокчиларнинг шахсий умидлари билан мос келмаслиги мумкин.

18. Ташкилотчининг техник имкониятларига асосланган ҳолда, Ташкилотчи Иштирокчининг Ютукли ўйинда иштирок этиш ҳолати виждонийлигини мустақил равишда баҳолайди.

19. Агар Ташкилотчига Иштирокчини рағбатлантириш учун даъвогарлар орасидан чиқариб ташлайдиган фактлар маълум бўлса (А-Пау Электрон пул Тизимида Ютукли ўйинларни ўтказиш Қоидаларига риоя қилмаслик, фирибгарлик, Ютукли ўйинда инсофсиз иштирок этиш, ўзи тўғрисида ёлғон маълумотларни қасддан тақдим этиш ва ҳ.к.), бундай шахслар Ютукли ўйин Иштирокчилари орасидан чиқариб ташланади ва совринни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

**19. Ташкилотчи қуйидаги ҳолатларда ғолибга мукофотни бермаслиги ва унинг қийматини қопламаслиги мумкин:**

19.1. Агар ғолиб ўзининг ғолиблиги ҳақида хабар берилган кундан бошлаб 7 календарь кун ичида Ташкилотчига мурожаат қилмаса, ғолиб совринларни олгандан кейин имзо қўйишдан ва/ёки бошқа қонуний аҳамиятга эга ҳаракатларни, шу жумладан керакли ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортса. Агар соврин талаб қилинмаса, Ташкилотчи уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади;

19.2. Агар ғолибни у соврин олганлиги тўғрисида хабардор қилиш имконияти йўқ бўлса, ғолибнинг рақами блокланган ва/ёки тармоқ доирасидан ташқарида, ёки Компаниядан мустақил бўлган бошқа сабабларга кўра ғолиб қўнғироққа жавоб бермаса ва/ёки алоқага чиқмаса.

19.3. Агар ғолиб томонидан Ютукли ўйинда иштирок этиш шартларининг бузилиш ҳолатлари аниқланган бўлса.

19.4. Ғолиб шахсий маълумотларини, шунингдек, Ютукли ўйин Ташкилотчиси томонидан ушбу Ютукли ўйин ғолибининг Қоидаларга мувофиқ Ташкилотчи томонидан Ютукли ўйин Иштирокчиларига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган сўралган қўшимча маълумотларни тақдим этишдан бош тортса;

19.5. Ютукли ўйинда иштирок этиш пайтида бир хил Иштирокчи томонидан бир хил мессенжерда бир нечта аккаунтдан фойдаланилса;

19.6. Алдамчи, фирибгар ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан Ютукли ўйинда иштирок этиш учун ҳар қандай автоматлаштирилган ёки махсус ташкил



этилган тизимлардан (шу жумладан лайклар билан алмашиш дастурлари ва Ютуқли ўйинни автоматик равишда репост қилиш ва бошқалар) фойдаланилса;

## **21. Ютуқли ўйин Ташкилотчиси қуйидаги ҳолатлар учун жавобгар эмас:**

20.1. Ютуқли ўйин Иштирокчиларининг Акция шартлари ёки Ташкилотчи томонидан

<https://www.a-pay.uz> сайтида жойлаштирилган Акция ғолиблари рўйхати билан танишиш имконияти йўқлиги;

20.2. Ютуқли ўйин Иштирокчилари томонидан ушбу Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик/ўз вақтида бажармаслик;

20.3. Ютуқли ўйин ғолиблари томонидан мукофот ўз вақтида олинмаганлиги ёки уларни олишда бош тортилганлиги учун.

22. Ютуқли ўйинда иштирок этиб, Иштирокчи ушбу Қоидалар билан тўлиқ танишлигини ва шартларга розилигини тасдиқлайди ва қуйидагиларга розилик беради:

21.1. Ютуқли ўйин ғолибларини ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда аниқлаш;

21.2. Учинчи шахслар томонидан Ташкилотчига нисбатан ҳар қандай даъволар юзага келган тақдирда, Иштирокчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлиги сабабли, Ютуқли ўйин давомида Иштирокчи бундай низоларни мустақил равишда ҳал қилиш ва Ташкилотчини учинчи шахсларнинг шикоятлари ва даъволаридан озод қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади;

21.3. Ютуқли ўйинда ғалаба қозонган Ютуқли ўйин Иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларни <https://www.a-pay.uz> сайтида жойлаштириш;

21.4. Ташкилотчи томонидан шахсий маълумотларни, шу жумладан махсус ва биометрик маълумотларни қайта ишлаш, Ташкилотчи томонидан Ютуқли ўйин бўйича ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида учинчи шахсларга шахсий маълумотларни тақдим этиш; Шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик Ютуқли ўйин Иштирокчиси томонидан муддатсиз берилади;

22. Ўйин Иштирокчилари Telegram мессенжерини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш Қоидалари билан танишганликларини тасдиқлайдилар.

23. Соврин топширилиши Ғолибнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси тақдим этилгандан сўнг, маълумотлар тўлиқ мос келганда амалга оширилади. Совринни олгандан сўнг, ғолиб барча керакли (рўйхатдан ўтиш жараёни, совринни олиш билан боғлиқ) ҳужжатларни имзолаш мажбуриятини олади. Ютуқли ўйин ғолибининг зарур ҳужжатларни имзолашдан ва/ёки бошқа



юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширишдан бош тортиши, шу жумладан талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши, шу жумладан шахсий маълумотлар билан чекланмаган ҳолда, Ғолибнинг соврин олишдан бош тортиши деб ҳисобланади.

24. Совринлар Ютуқли ўйин ғолиблари аниқлангандан кейин 20 (йигирма) иш кунидан кечиктирмай берилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидан келган ғолибларга совринларни топшириш етказиб бериш хизмати орқали амалга оширилади.

25. Совринни пул ёки бошқа мутаносиб нарса билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Совринлар алмаштирилмайди ва қайтарилмайди.

26. Ташкилотчи ўз ихтиёри билан бир томонлама равишда, исталган вақтда, олдиндан огоҳлантириш ва тушунтиришларсиз, Ютуқли ўйинни тўлиқ ёки вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек ушбу Қоидаларга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Ютуқли ўйинни муддатидан олдин тугатиш, тўхтатиб туриш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш даъволарни келтириб чиқара олмайди. Ютуқли ўйин муддатидан олдин тугатилган тақдирда Ташкилотчи бу ҳақда амалдаги ва (ёки) потенциал Иштирокчиларни тегишли маълумотларни ўзининг <https://www.a-pay.uz> расмий веб-сайти ва (ёки) Telegram-каналда жойлаштириш орқали оммавий равишда хабардор қилишга мажбурдир.

27. Ташкилотчи ихтиёрий равишда танлов бўйича тегишли маълумотларни Facebook, Instagram, Telegram ижтимоий тармоқларига жойлаштириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

28. Ташкилотчи ушбу Қоидалардан четга чиқадиган тушунмовчиликлар, нотўғри талқинлар, тахминлар ёки фикрлар натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай даъво ёки зарар учун жавобгар эмас.

29. Агар бирон бир савол, тушунмовчилик ёки бошқа баҳсли вазиятлар юзага келса, Ютуқли ўйин Иштирокчиси Ташкилотчига мурожаат қилиб, уларни аниқлаштириш/ҳал қилиш учун барча чораларни кўриши керак.

30. Ташкилотчи ўз мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатадиган форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан тошқинлар, ёнғинлар, иш ташлашлар, зилзилалар ёки бошқа табиий омиллар, оммавий эпидемиялар, давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг буйруқлари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар юзага келган тақдирда, Ташкилотчи Ютуқли ўйин Иштирокчилари олдида жавобгар бўлмайди.

31. Ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш Ютуқли ўйин Иштирокчисининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга, электрон почта (шахсий ҳисоб, телефон, шунингдек ижтимоий тармоқлар ва ҳ.к.) орқали ушбу Ютуқли ўйин ва Ташкилотчининг бошқа Ютуқли ўйинларига тегишли реклама ва



ёзишмаларни олишга розилигини англатади. Ютуқли ўйиннинг ҳар бир Иштирокчиси ўз фотосуратини, видео тасвирини, у билан суҳбатни Ташкилотчининг веб-сайтида ва(ёки) мобил иловада, реклама материалларида, ижтимоий тармоқлар саҳифаларида ва ҳоказоларда жойлаштириш ва нашр этишга ўз розилигини билдиради. Иштирокчининг розилиги Ташкилотчига чексиз муддатга ва ҳеч қандай мукофот тўламасдан берилади.

32. Иштирокчининг ушбу Қоидаларда кўрсатилган ҳаракатларни бажариши Иштирокчининг Ютуқли ўйин Қоидалари билан тўлиқ ва сўзсиз розилигини англатади.

33. Агар бирон сабабга кўра Ютуқли ўйин ғолиблари мукофот олишдан бош тортса ёки рад этса, Ташкилотчи Ютуқли ўйин совриндорлари (ғолиблари) умумий сонини тегишли равишда камайтириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

34. Ташкилотчининг Иштирокчилар олдидаги жавобгарлиги Иштирокчи олиш ҳуқуқига эга бўлган мукофот билан чегараланади.

35. Иштирокчининг тажовузкор хатти-ҳаракати (беадаб, қўпол ёки ҳақоратомуз сўзлар) кузатилса, Ташкилотчи фойдаланувчига ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришини номаълум муддатга уни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда тақиқлаб қўйишга (қора рўйхатга киритиб қўйиш, блоклаш) ҳақлидир.

36. Ташкилотчи ўзининг шахсий хоҳишига кўра Иштирокчиларга сабабларини тушунтирмаган ва улар билан ёзишмаларга киришмаган ҳолда Ютуқли ўйин Иштирокчиларининг ҳар қандай ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб эътироф этиши, шунингдек, Ташкилотчида мазкур шахс маълумотларни сохталаштираётгани ёки автоматлаштирилган ҳаракатлар билан шуғулланиши ҳақида асосли шубҳа туғилган тақдирда, шу билан бирга, Иштирокчи ушбу қоидалар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қоидаларини бузиб ҳаракат қилганида унинг келгусида Ютуқли ўйинда қатнашишини тақиқлаш ҳуқуқига эга.

37. Қоидаларда баён этилмаган вазиятларда Ташкилотчи ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилишга ҳақлидир.

38. Ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган барча бошқа ҳолатларда Ютуқли ўйин Ташкилотчиси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амал қилади. Томонларнинг жавобгарлик чоралари, шунингдек низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ белгиланади.

